



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаги  
буёқ  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 13 ноябрь, № 221 (4884)

Жума

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР, ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ички бозорни тўлдириб, экспорт имкониятларини кенгайтирмоқда

**Мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш мақсадида олиб борилаётган савий-харакатлар туфайли бугун уларнинг фаолияти тобора ривожланиб, тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички бозоримизни тўлдираяпти, балки хориқлик истеъмолчиларга ҳам етказиб берилаётир.**

### Ислохот

Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажмининг йил сайин ортиб боришига, пировардида республикамиз иқтисодиётининг янада юксалишига хизмат қилаётти. Жорий йилнинг тўққиз ойлик ақуларига кўра, модернизация қилиш бўйича 156 та истиқболли лойиҳанинг амалга оширилгани, 371 та ишлаб чиқариш объектининг ишга туширилгани, биргина саноат соҳасининг ўзида ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга кўпайгани бунинг яққол далилидир.

Кувонарлиси, замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар эндиликда кўпга янги ва сифатли маҳсулот турларини ҳам ўзлаштирмоқда. Пойтахтимиздаги "Met Fur Servis" масуляяти

(Давоми 2-бетда).



### Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

**Жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида банк-молия тизимининг барқарорлиги барча мамлакатлар учун долзарб масала бўлиб қолмоқда.**

## ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИНГ МУСТАҲКАМЛИК ДАРАЖАСИ ЮҚОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг самараси ўлароқ, мамлакатимиз дунё молиявий инқирозининг салбий оқибатларидан ҳимояланиши, иқтисодий ривожланишининг юқори суръатларини ва банк-молия тизими барқарорлигини янада мустаҳкамлашга муваффақ бўлмоқда.

Банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг ресурс базасини ва инвестиция фаоллигини кенгайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётнинг реал секторидида тижорат банкларининг жами сармоясига жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 41,2 фоиз, банк активлари 30 фоиз ошди, аҳоли ва юридик шахслар депозитлари 50,9 фоиз, шу жумладан, аҳолининг кредит ташкилотларидаги депозитлари 68,8 фоиз кўпайди.

"Moody's Investors Service" агентлиги томонидан ўтказилган "МДХ давлатлари банклари муаммолари ва таваққалчиликларини бошқариш амалиёти" мавзусидаги тадқиқотда МДХ мамлакатлари банк-молия тизимларининг барқарорлиги қийсий таҳлил қилинган. Агентлик томо-

нидан Россия, Украина, Қозғистоннинг 30 та банкида таваққалчиликни бошқариш амалиётини ўрганиш жараёнида, таваққалчиликларни бошқариш сифатини баҳолаш услубиятига мувофиқ, жами тўртта мезон — таваққалчиликларни бошқаришнинг ташкилий тузилиши, таваққалчиликларни баҳолаш ва уларнинг бошқариш усуллари, шунингдек, фойдаланиладиган инфратузилма ва ахборот тизимлари бўйича асосий камчиликлар кўрсатиб берилди.

"Moody's" агентлиги тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ушбу мамлакатларнинг қатор банклари ўзлари қўлаётган таваққалчиликларни аниқ тушунайди ва кўпинча уни банк директорлар кенгаши ҳамда раҳбариятининг таваққалчиликларни бошқариш соҳасидаги роли билан чалқаштириб юборади. Бу эса кенгашининг таваққалчиликлар устидан назорат қилиш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Аини пайтда Ўзбекистон банкларида ички аудит хизматини ташкил этиш ва банк кенгаши олдида ҳар чоракда кредит, инвестиция ва амалиётга оид сиёсатни амалга ошириш бўйича ҳисобот бериш тартибига оид талаблар жорий қилинган.

(Давоми 2-бетда).

## ЛОНДОНДА ЎЗБЕКИСТОН — БРИТАНИЯ АЁЛЛАР ФОРУМИ

Лондонда "Шарқ дурдонаси" Ўзбекистон — Британия аёллар маданияти ва бизнес форуми бўлиб ўтди. Тадбир Буюк Британиянинг "The Haven Wolverhampton" нодавлат хайрия ташкилоти томонидан республика "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ҳамда "Сабр" ижтимоий-иқтисодий тараққиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги ва парламенти, бир қатор етакчи халқаро хайрия ташкилотлари, иқтисодий, эксперт ва санъат доиралари ҳамда дипломатик корпорация вакиллари иштирок этишди.

Британия — Ўзбекистон жамияти президенти лорд Ф. Понсонби форум Буюк Британия ва Ўзбекистон хайрия ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши ва икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. У Британия — Ўзбекистон жамияти маданият ва иқтисодиёт соҳасидаги алоқалар ривожининг самарали механизмига айланган ҳолда, жадал суръатда ўз сафини кенгайтираётганидан мамнун эканини изҳор этди.

Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчиси О. Акбаров ўз маъру-

засида аёлларга ҳурмат ва уларга рағбатлиқ Ўзбекистон жамиятида асосий устунлардан бири саналишини кайд этди. Иштирокчилар эътибори

### Биз ва дунё

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг "Аёлни эъзозлаш — оила, Ватан ва ҳаётни эъзозлаш демократи" деган сўзларига қаратилади. Таъкидланди, ўзбек халқи тарихининг барча замонларида аёллар нафақат ижтимоий ва маданий ҳаётда, балки давлат ишларида ҳам муҳим ўрин эгаллашди.

"The Haven Wolverhampton" нодавлат ташкилоти директори К. Риз ва "Сабр" ижтимоий-иқтисодий тараққиёт маркази директори М. Ширинава ҳам ўз ташкилотлари фаолияти ҳамда ўзаро

ҳамкорлик йилларида эришилган саломли ютуқлар ҳақида сўз юритишди. Улар "Ипак йўли орқали тараққиёт сари: икки аёлнинг ўзаро ҳамкорлик йўллари ҳақида ҳикояси" номли биргаликда чоп этилган китобни форум иштирокчиларига тақдим этишди.

Таъкидланганидек, форумнинг асосий вазифаси хайрия ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш борасида фаолият юритаётган мақсадли гуруҳлар ўртасидаги алоқаларнинг мавжудларини ривожлантириш, янгиларини ўрнатилга ёрдам кўрсатишдан иборат. Улар кўп йиллик ҳамкорлик натижаларидан қониқиб ҳосил қилинган ва масъула ҳатлашулар асосида ҳал этиладиган масалаларни муҳокама қилишда самарали анжуман вазифасини ўтайдиган ушбу тадбирга доимий равишда ўтказиладиган форум хусусиятини бериш ҳақидаги мулоҳазаларни билдиришди.

(Давоми 2-бетда).

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Хоразм вилояти фаоллари йилгилишида жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ақуларига ва 2009 йил 13 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Президентимиз Ислам Каримов муарзасида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини амалга оширишга доир қўйилган чора-тадбирлар атрофида муҳокама қилинди.

Йилгилиши Хоразм вилояти ҳрқими О. Оллаберганаов бошқарди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар барча тармоқларда ишлаб чиқаришнинг барқарор суръатда ўсиб боришида муҳим омил бўлмоқда. Иилнинг тўққиз ойида Хо-

разм вилоятида ялғи ҳудудий маҳсулот ҳажми 5,3 фоизга, хусусан, қурилиш-пурад ишлари 10,7, чакана савдо айланмаси 16, пуллик хизмат кўрсатиш 10,3 фоизга ошди.

Ҳудудий инвестиция дастурига киритилган 29 лойиҳа асосида 9 миллион 846 миң АҚШ долларини миқдоридида инвестициялар ўзлаштирилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган 28 корхона, истеъмол

бозорига ноозиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришчи 34 субъект ишга туширилди. Утган даврда саноат корхоналари томонидан 1,5 миллион АҚШ долларини миқдоридида маҳсулот экспорт қилинди. Аҳолининг бандлик даражасини ошириш мақсадида қишлоқларга саноатни олиб кириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчаларини кўпайтириш, балиқчилик, чорвачилик, паррандачилик каби тармоқларни ривожлантириш ҳисобига 46 миң 200 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида вилоятда 483,5 миң квадрат метр уй-жой, 65,1 километр табиий газ тармоғи барпо этилди. Жойларда 11 та спорт иншооти, олти касб-ҳунар коллежи ва академик лицей фойдаланишга топширилди, 42 та мактаб қайта реконструкция қилиниб, замонавий қиёфа касб этди. Аини пайтда уч туманда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жой қуриш ишлари қизғин олиб боришмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 ноябрь кун Иқтисодиёт, саноат ва фан-техника соҳаларида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Латвия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

## ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланиши бўйича, ахборот технологиялари, фармацевтика, тўқимачилик, сўғурта, сайёҳлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият кўрсатган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Н. Нажимов мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-технологик ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг урчулувида эришилган келишулар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасида мазкур соҳалардаги ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси мавжуд. Турли

соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган. Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамда мунтазам ошмоқда. 2008 йили ушбу кўрсаткич 256,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда Латвия сармоясига иштирокчида тузилган йиғирмата қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар мебеласозлик, тўқимачилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш саноати, улғурчи савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга иxtисослашган. Юртимизда мазкур мамлакатнинг ўн олти етакчи компанияси ўз ваколатхонасини очган.

(Давоми 2-бетда).

## КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда фонд ва кўчмас мулк биржаси фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зотан, кўчмас мулк ва қимматли қозғалар билан савдо қилувчи бирламчи бозорларнинг шаклланиши, ўз навбатида, иқтисодий бозорлар вужудга келишига, ишбилармон ва тадбиркорлар синифининг тараққиётига хизмат қилади.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЕАЖ юртимизда кўчмас мулк бозорини ташкил этишчи ягона иxtисослашган кенг тармоқли биржа ҳисобланади. У ўзининг 15 йиллик фаолияти давомида замонавий ва илгор технологик услублар асосида яратилган савдо тизимини орқали юртимиз ва хориқлик инвесторларга кўчмас мулк сотиб олишда ёрдам бериб келмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бугунга қадар ташкил этилган савдоларда 100 миңдан зиёд мулк мавжулар сотилишига эришилди. Бу — хусусий мулкдорлар савди яна шунчага кўпайди, дегани.

Бугунги кунда биржанинг Қорақалғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 14 та ҳудудий филиали, кўпга брокерлик идоралари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда иштирокчиларнинг савдода тенг ҳуқуқлик асосида қатнашиш имконияти яратилган, аиникса, эътиборга молиқдир. Уларнинг замонавий компьютер техникаси ва кўп каналли ишончли алоқа воситалари билан таъминлангани эса биржа, танлов, электрон ва оммавий оферта савдоларини юқори савияда ўтказишда қўл келаяпти.

Биржамиз томонидан тадбиркорлар ва фуқароларга давлат мулкларини сотиб олишдагина эмас, балки ўзларининг тегишли мулкларини биржа савдолари орқали сотиб беришда ҳам тезкор ва сифатли хизмат кўрсатилади, — дейди "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЕАЖ бошқаруви раиси ўринбосари Фармон Ражабов. — Бунда озаб малакали ходимлар ҳамда брокерларнинг хизмати катта. Хозирги пайтда биржада марказлаштирилган электрон савдо тизими жорий қилинган. Бу республикамизнинг истаган ҳудудидида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга тўғридан-тўғри савдоларда иштирок этиш имконини яратиб бермоқда.

Дарҳақиқат, ташкилот жамоаси савдо иштирокчилари, тадбиркор ва инвесторларга қулайлик яратиш мақсадида тизимда кўпга ингилликларни

таъбиқ этмоқда. Кеча пойтахтимизда ташкил этилган кўчмас ва бошқа мулк-мулкларнинг ярмаркаси бу борадаги ишларнинг мантқиқий давоми бўлди.

Юртимиз кўчмас мулк бозори тарихида илк бор ташкил этилган мазкур тадбир кўпчиликда катта қизиқиш уйғотапти. Биржа биноси вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар вакиллари, банк ва хизмат кўрсатувчи тузилмалар мухтаassisлари, тадбиркорлар ва мулкдор бўлиш иштиққидида сармоядорлар билан жағмулини шундан далолат беради, албатта.

Ярмаркага 1400 дан зиёд мулк мавжулар, хусусан, бино ва иншоотлар, турли русумдаги автомобиллар ва транспорт воситалари қўйилган. Улар орасида Хусусийлаштириш дастурига киритилган объектлар, хусусий мулклар, шунингдек, Суд қарорларини иқро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан савдоларга чиқарилаётган мол-мулклар ҳам бор. Гап шундаки, биржа Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридидаги Суд қарорларини иқро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган танловда галиб бўлган, мазкур соҳада ҳам аукционлар ўтказиб келаяпти.

Иштирокчилар ярмарка давомида мулклар билан яқиндан танишиб, улардан маълумини биржа савдолари орқали шу ёрнинг ўзида сотиб олишлари мумкин. Тадбирнинг иккинчи кунидида мулк эгаларининг тақдимотлари, турли тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Ярмарка фаолияти бугун ҳам давом этади.

Сенд РАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ ЭКСПОРТЧИ КОРХОНАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

2009 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси

2,3 миллиард доллардан ортиқ ҳажмда бўлиши таъминланди.

Ўтган даврда республикамизнинг экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида аниқ чора-тадбирлар қўрилгани туфайли шундай натижага эришилди.





«ЯНГИ АВЛОД — 2009» ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фестивали республика босқичи бошланди.

Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган тадбирда турли вазирилик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фестивалнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи ҳолиблари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, дунёқараши ва тафаккурини бойитиш, ўқув-қизиларимизнинг ҳаётини андозалари даражасида таълим олиши, ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлиб воғая етиши йўлида эътибор ва ғамқорлик кўрсатишмоқда. Мамлакатимизда бу борадаги

хайрли ишларнинг изчил тизими яратилган.

Ёшлар камолоти ва истиқболи йўлида босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилаётган ишхотлар аниқ, маънавий ва қўли ижтимоий йўналирилгани, ҳалқимизнинг рўҳияти ва маънавиятига мослиги, ўзгирчиллиги билан аҳамиятлидир. Бу ҳажатлар ўқув-қизиларга пухта билим ва тарбия бериш, улардаги истеъод ва қобилиятни ўз вақтида аниқлаш, иқтидорини рўйбга чиқариш учун йўл очиб бериш, ёшларнинг қизиқиши, интеллектуал салоҳияти, оруз ва интилишларига мос касб-ҳўнар танлашига яқиндан қўмақлашишга оид ама-

лий чора-тадбирларда яққол намоён бўлмоқда. Юртимизда ўтказилаётган ҳафталик ижодий фестиваллар, санъат ҳафталиклари, фан олимпиадалари, кўриқ-танловлар, спорт мусобақалари иқтидор соҳибларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда.

«Янги авлод» болалар ижодиёти республика фестивали бунинг яна бир ёрқин намунасидир. Юртимизда аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу ижодий башлавув истеъодларнинг янги авлодини кашф этиш, уларнинг ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда таништиришда ўзига хос ўрин тутмоқда.

Фестивалнинг саралаш босқичларида юртимизнинг минглаб санъатсевар ёшлари мўлғоз музыка, миллий қолғулар ижрочилиги, хонандлик, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод каби

йўналишлар бўйича ўз билим ва истеъодини намоён этишди. Уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахт босқичида ҳолиб бўлган етти юз нафари фестивалнинг яқини мамлакат босқичида иштирок этиш имконига эга бўлди.

Ун икки ёшли Азизбек Ваҳобов Андрижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабида таҳсил олади.

— Танловнинг миллий қолғу асбоблари ижрочилиги йўналишида иштирок этмоқдан, — дейди ёш соҳада. — Фестивалнинг вилоят босқичида гижжақда «Қўшчиноқ», «Отмағай тон» каби миллий куйларни ижро этиб, голиб бўлдим. Республика босқичи учун «Чоргоҳ-1» ва «Чоргоҳ-2» куйларини ўстозларим ёрдамида тайёрлаб келдим. «Янги авлод» ижодиёт фестивали ўз санъати-

мизни катта саҳналарда намоён этиш, қўллаб қизқарли тадбирларда қатнашиш имконини беради.

Фестиваль доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида фестивалнинг тасвирий ва амалий санъат йўналиши иштирокчилари ижодига бағишланган бадиий кўргазма ташкил этилди. Айни пайтда қўллаб қизқарли концертлар, учрашувлар, ижодий анжуманлар, маҳорат сабоқлари ўтказилиши баробарида болаларнинг пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейи арафасида барпо этилган меъморий иншоотларга сайёҳлар, музейлар, театрлар, маънавият ва санъат даргоҳларига экскурсиялари уюштирилади.

Фестиваль совиндорларини тантанали тақдирлаш ва улар иштирокида катта концерт 17 ноябрь кuni ўтказилади.

Нозоқат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИ

СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

қуйидаги вакант кафедра мудири, профессор-ўқитувчилар лавозимлари учун танлов эълон қилади.

Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди). Профессор (фан доктори (номзоди) ёки доцент). Катта ўқитувчи (магистр дипломи). Ўқитувчи (магистр дипломи).

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси Кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди).

Иқтисодий фанлар кафедраси Катта ўқитувчи (магистр дипломи).

Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси Доцент (фан доктори (номзоди) ёки доцент).

Юридик фанлар кафедраси Профессор (фан доктори (номзоди) ёки доцент). Доцент (фан доктори (номзоди) ёки доцент).

Тиллар кафедраси Ўқитувчи (магистр дипломи).

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- ариза;
- сўровнома;
- таржима ҳал;
- 4 та 4x5 см. ҳажмдаги фотосурат;
- иш жойидан тавсиянома (ҳужжат топширувчига қадар ишлаган бўлса);
- олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;
- кафедра мудири, профессор номзолирига фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- эълон қилинган илмий ишлари ҳақида маълумот.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа кўчаси, 3-уй, Солиқ академияси биноси, 215-хона. Телефон: 217-44-87.

«Фаргона электр тармоқлари» ОАЖ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарорини бажариш юзасидан танловда қатнашишга таклиф этади.

Танлов номи — Фаргона вилоятининг Марғилон шаҳрида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш вазифасини бажарадиган хусусий операторларни ташкил этиш учун инвесторлар танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очик турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд: Фаргона вилояти, Марғилон шаҳри.

Танлов ташкилотчиси — «Фаргона электр тармоқлари» ОАЖ.

Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар: инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудда электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сума доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;

танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва мuddати: Фаргона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй. Шарқий магистраль электр тармоқларининг мажлислар зали. Малакавий танлов эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш мuddати тугагунга қадар давом этади.

Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2009 йил 11 декабрь соат 17.00 гача.

Танлов ўтказиш мuddати — 2009 йил 14 декабрь соат 14.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;
• давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;
• давлат рўйхатидан ўтказувчи тегшили орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;
• инвесторнинг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қаралари йўқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхаси ҳамда ваколатли банкнинг танлов эълон қилинган даврда инвесторнинг бирламчи ва иккилламчи ҳисоб рақамлари асосида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотноманинг асл нусхаси;
• инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан берилган маълумотнома;
• инвестор ҳудудий электр тармоқларидан фойдаланган электр энергияси учун қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома.

Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

- танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган мuddатда тақдим этмаган;
• тугатилиши ёки банкротлик босқичида бўлган;

- танлов эълон қилинганга қадар бир йилдан кам мuddатда таъсис этилган;
• «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинандиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Фаргона электр тармоқлари» ОАЖнинг махсус ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов ва гаров суммасини ўтказадилар: «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Фаргона бўлими, х/р: 22604000800215289021, МФО: 00494, СТИР: 200144930, ОКОНХ: 11170.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун «Фаргона электр тармоқлари» ОАЖга сўровнома билан мурожаат этиш лозим.

Манзил: Фаргона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-«А» уй. Мурожаат учун телефонлар: (8-373) 223-38-47, 224-54-00, 223-29-01.

Танлов ҳужжатлари учун тўлов танлов эълон қилинган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорига, гаров суммаси эса энг кам ойлик иш ҳақининг минг баробари миқдорига белгиланган.

Танлов ҳужжатларини олиш учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Танлов иштирокчилари ахборот олиш учун танлов комиссиясига ҳар кuni (шанба ва якшанбадан ташқари) маҳаллий вақт билан соат 10.00 дан 17.00 гача танлов таклифларини қабул қилиш мuddати тугагунга қадар мурожаат этишлари мумкин.

«Фаргона электр тармоқлари» ОАЖ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарорини бажариш юзасидан танловда қатнашишга таклиф этади.

Танлов номи — Фаргона вилоятининг Олтиариқ туманида электр энергияси учун истеъмолчилардан тўловни йиғиш вазифасини бажарадиган хусусий операторларни ташкил этиш учун инвесторлар танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очик турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд: Фаргона вилояти, Олтиариқ тумани.

Танлов ташкилотчиси — «Фаргона электр тармоқлари» ОАЖ.

Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар: инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудда электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сума доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;

танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва мuddати: Фаргона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй. Шарқий магистраль электр тармоқларининг мажлислар зали. Малакавий танлов эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш мuddати тугагунга қадар давом этади.

Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги мuddати — 2009 йил 18 декабрь соат 17.00 гача.

Танлов ўтказиш мuddати — 2009 йил 21 декабрь соат 14.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;
• давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;
• давлат рўйхатидан ўтказувчи тегшили орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;
• инвесторнинг солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджетга ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қаралари йўқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг асл нусхаси ҳамда ваколатли банкнинг танлов эълон қилинган даврда инвесторнинг бирламчи ва иккилламчи ҳисоб рақамлари асосида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотноманинг асл нусхаси;
• инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан берилган маълумотнома;
• инвестор ҳудудий электр тармоқларидан фойдаланган электр энергияси учун қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома.

Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

- танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган мuddатда тақдим этмаган;
• тугатилиши ёки банкротлик босқичида бўлган;

- танлов эълон қилинганга қадар бир йилдан кам мuddатда таъсис этилган;
• «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамаси ҳолатида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинандиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Фаргона электр тармоқлари» ОАЖнинг махсус ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов ва гаров суммасини ўтказадилар: «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Фаргона бўлими, х/р: 22604000800215289021, МФО: 00494, СТИР: 200144930, ОКОНХ: 11170.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун «Фаргона электр тармоқлари» ОАЖга сўровнома билан мурожаат этиш лозим.

Манзил: Фаргона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-«А» уй. Мурожаат учун телефонлар: (8-373) 223-38-47, 224-54-00, 223-29-01.

Танлов ҳужжатлари учун тўлов танлов эълон қилинган пайтдаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдорига, гаров суммаси эса энг кам ойлик иш ҳақининг минг баробари миқдорига белгиланган.

Танлов ҳужжатларини олиш учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Танлов иштирокчилари ахборот олиш учун танлов комиссиясига ҳар кuni (шанба ва якшанбадан ташқари) маҳаллий вақт билан соат 10.00 дан 17.00 гача танлов таклифларини қабул қилиш мuddати тугагунга қадар мурожаат этишлари мумкин.

«Чиноз балиқларга омихта ем тайёрлаш корхонаси» АЖ

Балиқ, парранда, қорамолларни боқиш учун тайёрланган, дондор омихта ем ва омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни сотади.

Дон маҳсулотлари: маккажўхори, бугдой, арпа ва соя шроти, кунгабоқар шроти ҳамда омихта ем тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёлар (ингредиентлар)ни сотиб олади.

Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз шаҳри. Телефонлар: (+998 71) 215-51-52/53, (+998 93) 184-67-45. Факс: (+998 71) 233-18-12. E-mail: chzrgk@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.

«ВОЛГА» АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА

Автосалон: Тошкент ш., Бунёдкор шоҳқўчаси, 118-уй. Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22. Офис: Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.



Шунингдек, сотувда «ВАХТАВБИЙ» автомобиллари ҳам мавжуд.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона

РЕСПУБЛИКА ИНКАССАЦИЯ БИРЛАШМАСИ

қуролли кучлар сафида амалда хизматни ўтаган, камида ВС категорияга эга, 35 ёшгача бўлган

ҳайдовчиларни ишга таклиф этади.

Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий к., 19-уй. Телефонлар: 244-39-27, 244-05-29.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ» РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 75 ДО 90%

а также: КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ. Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73. Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127. zakamsk-group@mail.ru

«Удонмаҳсулот» активдорлик компанияси жамоаси компаниянинг Дон маҳсулотлари корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва инвестиция бошқармаси етаси мутахассиси Зарифбой Зияевни ШУКУРОВНИИ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур ҳамдардлик билдилади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Ботаника, физиология ва микробиология кафедраси профессори Абдурахмон Эргашева синглис ДИЛОРОМ аянинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдилади.

Ўзбекистон — Германия «Савагар» очик акциядорлик тижорат банки бошқаруви ва жамоаси Ахборотлаштириш бошқармаси бошлиги Дилшод Мирзамаҳмудовга падари бузруквори ТОЖИБОВ отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Патологик физиология, гистология, цитология ва эмбриология кафедраси профессори Эркин Туревова умр йўлдоши РЫЛОНОВ ТУРСУНОВАНИИ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетини жамоаси Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти Валижон Хошимовга ўғли МУРОД НОРБЎТАЕВНИИ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажакимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қанда бўш келманг, азиз фарзандларим!  
Ислом КАРИМОВ

# ЭНГ ГУЛЛАГАН

**Шихоат, илмга интилиш, касб-хунар эгаллашга бўлган иштиёқ мамлакатимиз ёшларига хос хислатдир. Зеро, уларнинг камол топиши, ўзлари орзу қилган соҳани эгаллашлари учун юртимизда барча шарт-шароит яратилган. Муҳташам коллеж ва лицейларда,**

**олис қишлоқларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган кўркам мактабларда билим олаётган ўғил-қизлар, эртанги кунимизнинг ишончи ва таяничи бўлишлари, шубҳасиз. Бу галги саҳифамизда яратиб берилган ана шундай қулайликлардан унумли фойдаланиб, иқтидорини намоён этаётган қорақалпоғистонлик ёшлар ҳақида ҳикоя қилинади.**

## Яхши ният — ярим давлат

**Болалиқдан шифокор бўлишни орзу қилардим. Айниқса, онам менинг бу орзуим амалга оширилиши астойдил истар эдилар. Мактабни битиргач, Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга отландим.**

### Қишлоғимда ишлайман

Биринчи йилдаёқ талабалик бахтига мушарраф бўлдим. Айни пайтда битириш арафасидан. Насиб этса, дипломни кўлга киритсам, ўзимнинг туманим — Мўйноққа бориб ишлайман, одамларнинг дардига дармон бўламан.

Илгари қишлоқдошларимиз оддий касаллик учун ҳам 200-300 километр йўл босиб, Нукусга ёки туман марказига боришарди. Бугун эса энг чекка қишлоқларда ҳам замонавий тиббиёт масканлари қуриляпти, ишга тушириляпти. Шундай экан, бор билим ва маҳоратимни ўзим туғилиб ўсган ҳудудда намоён этмоқчиман. Ахир, эл саломатлиги йўлида хизмат қилиш олий бахт.

**Элбек ДАВРОНОВ,**  
Мўйноқ тумани

### Устозлар изидан

Оиламизда ўқитувчилар кўп. Ота-онам, икки онам мактабда дарс беришди. Уларнинг касба бўлган меҳрлари менда ҳам ўқитувчиликка нисбатан ҳавас уйғотди.

Шу боис ҳеч иккиланмай, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг педагогика факультетига ўқишга кирдим.

Қишлоғимизда бир эмас, икки мактаб, битта коллеж бор. Бир-биридан муҳташам ушбу ўқув даргоҳлари мукамал жиҳозланган. Айни пайтда ўзим ўқиган 22-мактабда амалиёт ўтаб, устозларимдан кўп нарсани ўрганаётиман. Келгусидаги максим, фидойилик билан ишлаб, ота-онам, устозларим ишончини оқшатишим.

**Зебо ДАУЛЕТОВА,**  
Тўртқўл тумани

### От спорти — жону дилим

Онамнинг айтишларича, болалигимдан отга қизиб эканман. Шу боис дадам ишдан келсалар, у кишининг устига қизиб олар эканман. 10 ёшга тулганимда эса дадам менга от совға қилдилар.

Хозир тўрта тулпорим бор. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланаман. Негаки, от спорти жону дилим. Бир неча марта туман миқёсида ўтказилган пойғаларда қатнашиб, совринли ўринларни кўлга киритдим. Махсус мураббийим Тангриберди ака менга от мишидан олдин у билан сирлашганини ўрганиш керак, дейдилар. Бу гап бежиз эмас. Негаки, от жонивор дилнигиздан кечайтганини билади, агар унинг ақлини намоният билан йўлсангиз, миндирмайди. Мен эса уларга бор меҳримни бераман. От спорти бўйича чемпион бўлиб, хориждаги мусобақаларда ҳам қатнашиб истагидаман. Бунинг учун эса барча шарт-шароит муҳайё этилган.

**Азамат ЧИНИЕВ,**  
Амударё тумани

### Рақамлар сўзлайди:

• Президентимиз қарорига кўра, ажратилган 1 миллиард 674 миллион 834,5 минг сўм ипотека кредитлари эвазига 94 та ёш оила янги уй-йўли бўлишди.

• Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 751 та мактаб, 91 та касб-хунар коллежи, 9 та академик лицей мавжуд.

• Республикада жами 3398 спорт иншооти, жумладан 14 стадион, 613 спорт зали, 4 бассейн, 2763 спорт майдончаси бўлиб, уларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони 396266 (шундан 184320 нафари хотин-қизлар) нафарни ташкил этади.

• Яратилган катта имкониятлар самараси ўларок, Оролбўйида кўплаб Жаҳон, Осие, Ўзбекистон чемпионлари етишиб чиқди. Масалан, қорақалпоғистонлик ёш спортчиларнинг 2006 йилда 259 та, 2007 йилда 307 та, 2008 йилда 323 та, 2009 йилнинг 9 ойида эса 265 та медални кўлга киритгани сўзимиз исботидир.

• Қорақалпоғистон Республикасида шу кунгача 9 нафар истеъдод эгаси "Нихол" мукофоти, 10 нафар қиз Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган.



Дугоналар диллашуви.

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

**Яқинда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқитувчиларининг "Истеъдод" жамғармаси гранти учун ўтказилган танловда голибликни кўлга киритиб, педагогика ва инновацион технологиялар йўналиши бўйича Малайзия мамлакатига бўлди.**

### ИМКОНИЯТ ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Сафар давомида мазкур давлатдаги таълим жараёни билан яқиндан танишиб, илмий ишчилик учун керакли маълумотлар тўпладик. Малайзиянинг МАРА университети профессор-ўқитувчилари билан яқиндан танишдик.

МАРА университетда 99 604 нафар талабага беш минг нафарга яқин профессор-ўқитувчи таълим беради. Университетнинг 26 факультети, 39 маркази, 11 институти, 19 коллежи, 264 йўналиши мавжуд. Ушбу ўқув даргоҳида Ўзбекистон, Хитой, Саудия Арабистони, Хиндистон давлатларидан талабалар бориб ўқишлари мумкин. Олий таълим муассасасида ахборот технологиялари соҳаси бўйича ҳамда мавжуд барча жабҳаларга техника янгиликларни жорий қилиш масаласига катта эътибор қаратилади.

Мактабларда эса таълим 12 йиллик бўлиб, ўқитиш бир неча тилларда олиб борилади экан. Асосий тил малай тили ҳисобланади. Мактабларда замонавий фанларни чуқур ўрга-

тиш учун кенг имкониятлар яратилган. Малайзиядаги коллежларда махсус дастурга мувофиқ, таълимнинг бир қисми ўша ернинг ўзида олиб борилади, қолгани эса хориждаги ўқув юртида олиб борилади.

### Таассурот

давом эттирилди экан. Шундан сўнг битирувчилар халқаро меҳнат бозорига тан олинган дипломга эга бўладилар. Биз мамлакатимиз таълим тизими ҳақида малайзияликларнинг кўпроқ маълумотга эга бўлиши учун бир неча бор бадиийлаштирилган дастур ҳамда семинар-тренинглар ташкил этдик. Унда иштирок этганларни ўзбек, қорақалпоқ халқ кўшиқлари ҳамда миллий урф-одатларимиз билан таништирдик. Миллий таомлар ва эсдалик совғаларини улашдик. Семинар машғулотлардаги мулоқотлар чоғида тўққиз йил-

лик умумий таълимдан сўнг коллежларимизда муайян бир мутахассислик билан бирга қўшимча равишда хунар ўргатилиши, ҳар бир касб-хунар қандайдир ҳақиқатда ўқув устаноналари ташкил этилганлиги, дарс соатларидан сўнг хорижий тиллар бўйича тўғрақарлик фаолияти йўлга қўйилгани бора-сида сўзлаб берганимизда ҳамкасбларимиз бизнинг юрtdа, чиндан ҳам, таълимнинг ўзига хос миллий модели яратилганлигини, бу модел халқаро миқёсда бежизга тан олинмаганлигини эътироф этишди.

Хуллас, Малайзия таассуротлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Муҳтасар қилиб айтганда, дунё кўрсанг, ҳаётга янада таттиқроқ назар ташлар экансан. Бирни кўриб фикр қил, деганларидек, хориж сафари асосида Президентимизнинг: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" деган сўзларининг ҳаётий тасдиғига гувоҳ бўлдим. Малайзияликларнинг юртимиз таълим тизимидаги илоҳотлардан хабардор эканликлари бизга катта ифтихор бағишлади. Озод ва обод, диндор дoston бўлаётган юрт фарзанди эканлигимдан ҳамиша гурулланаман.

**Айногул БЕКИМБЕТОВА,**  
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчиси.

### СОВРИН ИЛҲОМ БАХШ ЭТДИ

**Навиҳол қанча кўп меҳр билан парвариш қилинса, у шу қадар гуркураб-яшнайд.** Мамлакатимизда ёшлар камоли йўлида амалга оширилайётган эзгуликларга гувоҳ бўлганим сайин, мазкур ҳаётий ҳақиқатнинг амалдаги исботини кўргандек бўламан.

Инчунин, билимли, тиришқок ва иқтидорли ёшлар, энг аввало, юртимиздаги беқисс гамхўрликлар сабаб катта ютуқларга эришмоқдалар.

Жорий йилда "Нихол" мукофоти учун ўтказилган танловнинг эстрада йўналиши бўйича голиб бўлганим ҳам ана шундай самимий эътибор туфайли деб биламан. Чунки ота-

онам, устозларим ва юртимиз таълим тизимидаги илоҳотлар сабаб санъатга меҳрим, қизиқишим орди, ихтисослашган ўқув маканларида таълим олиб, истеъдодимни тобладим. Бугунги кунда ушбу юксак эътирофдан илҳомланиб, ижодимни янгидан-янги қўшиқлар билан бойитмоқдаман.

Узим ҳам "Айқулаш жулдизлари" қорақалпоқ давлат миллий дастаси аъзосиман. Ансамблимиз билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида

### Фахр

кўпроқ изланишга аҳд қилдим. Зеро, ҳеч бир юрtdа санъат ва маданият соҳаси ривожига биздангиланим ҳам мен учун ана шундай бебаҳо тухфадир. Камтарона ижодимга берилган бу юксак баҳодан янада руҳландим. Келгусида ушбу ишончга муносиб бўлмоқлик учун янада

гастролда бўлганмиз. Ана шундай ижодий сафарлар давомида рақс халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи санъат эканлигига кўп бор амин бўлдим. Яқинда Корея Республикасида бўлиб ўтган халқаро рақс фестивалида қатнашдик. Саҳнада "Овулда тўй" номли рақс композициясини ижро этаётган маҳалимиз муҳташам зални тўлдирган санъат инносмандлари бизнинг ижроимизга жўр бўлишди ва гулдурор қарсақлар билан олқишладилар.

**Султон ҚУННАЗАРОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Яқин келажакдаги орзуим шуки, ўзим фаолият юратибган туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошида ҳаваскор ёшлар клубини ташкил этмоқчиман. Уа устимизда тиним билмай ишласак, қизиқарли дастурлар саҳналаштирадик, биз ҳам бошқа ансамбллар каби хориж фестивалларида қатнашимиз, юртимиз маданиятини жаҳон халқларига танитиш бахтига муяссар бўлишимиз мумкин. Ахир, айтдилар-ку, кишида, энг муҳими, интилиш бўлсин, деб. Зеро, мақсад сари ғайрат билан интилан кишига омад ҳам қулиб боқад!

**Ғайрат БЕКЧАНОВ,**  
«Нихол — 2009» мукофоти соҳиб.

### Мусаввир қизнинг орзуси



### Истеъдод

Бибноз Қайипованинг тасвирий санъатта қизиқишида отаси, моҳир расом Бозорбой оғанинг ўрни бўлач.

Эндигина 13 ёшга қадам қўйган қизалоқ ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатига таълим олмақда. Устози Жентис Лепесовдан мўйқалам ушлаган тортиб, расомликнинг энг нозик сирларига кунт билан ўрганаётган.

Шунинг учун ёш расомнинг интилишлари самарали бўляпти. Бибноз бундан икки йил аввал Хиндистоннинг Шанкар номидаги халқаро болалар расм танловида кумуш медал соҳиб бўлган эди. Уша йили бўлиб ўтган Польшадаги халқаро танловда эса "Менинг вафодор дўстим" расми учун махсус диплом билан тақдирланди. Айниқса, "Миср — болалар нингоҳида" мавзудаги республика танлови ёш расом ижодининг янги қирраларини намоён этди.

У "Янги авлод" болалар ижодий фестивалида ҳам муваффақиятли иштирок этапти. Жорий йилги қуриқда Қорақалпоғистон Республикаси босқичида биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг якуний босқичига йўлланма олди. — Кичкинагимда момонинг эртагу ҳикояларини тинглаш жону дилим эди, шунинг учун ҳам қадимий афсоналар, тарихий воқеалар ҳақидаги тасаввурларимни кўпроқ қозғота тушираман, — дейди ёш мусаввир. — Айниқса, Барчиной, Тумарис, Бибиконим, Гафхаршодбегимнинг портретини яратишни орзу қиламан. Бу афсонавий қаҳрамонларнинг гўзал худк-автори, донолиги, юрагидаги меҳру муҳаббати момоним эслатади.

Бибноз миллий қадриятлар руҳида камол топаётган. Унинг қалбиде она юрtdа муҳаббат чексиз. Туғилиб ўсаётган заманининг табиатидан, одамлари феъл-атворида, миллати ўқиниши ва аъналаридан илҳомланади, чизган суратларида миллий рух уфуриб туради. Шу маънода, унинг келажакда истеъдодли мўйқалам соҳиб бўлиб танилишига умид катта.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.**

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 236-09-25.

**ISSN 2010-8788**

Тахриратта келган кўлашлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб эмас.

Рекама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғасов ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материаллари

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАЯ якуни — 20.40 Тошпирилди — 00.55

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Болнев.  
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусахҳах — С. Исломов.

1 2 3 5